

Бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат ТИМСОЛИ



10:50 / 01.05.2025 993

Мамлакатимизда диний-маърифий соҳадаги кенг кўламли ислохотлар халқаро экспертлар томонидан юксак баҳоланмоқда. Бу ўзгаришлар замирида замонамиздан етишиб чиққан буюк алломалар, шахслар, илм-фанга улкан ҳисса қўшган машҳур аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, бой илмий меросини кенг тарғиб қилиш ишлари мужассам.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Мотуридийлик — бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат таълимоти» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман фикримизни тасдиқлайди. Ушбу нуфузли анжуманда «Имом Мотуридий ва унинг издошлари илмий меросининг ислом илмлари ривожигаги ўрни», «Мотуридийлик таълимотида умуминсоний қадриятлар

талқини», «XXI асрда мотуридийлик таълимотининг аҳамияти» каби шўбаларда муҳокамалар бўлиб ўтди.

Жамолиддин Каримов,

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Манба: «Янги Ўзбекистон» газетаси